Ўрта Осиёдаги номадлар турмушининг айрим хусусиятлари

Ярматов Исамидин Тургунович, филология фанлари доктори, профессор, Ангрен университети Ўзбекистон
Тел: +998331287030

Аннотация: Мақолада Ўрта Осиё минтақасида қадимдан яшаб келган кўчманчи ёки ярим кўчманчи туркий халқлар турмушининг илк ўрта асрлардаги кўринишлари тараққиётига доир айрим хусусиятлар хусусида сўз боради. Унда илгари сурилган назарий фаразлар дунёнинг бир қатор машҳур олимларининг асарларига таянилган ҳолда илгари сурилган.

Калит сўзлар: номадизм, уруғчилик тузуми, Хитой хроникалари, кўчманчилик, ярим кўчманчилик.

On the ancient development of poetic thought among turkic-speaking peoples

Yarmatov Isamidin Turgunovich, Doctor of Philological Sciences, Professor at Angren University, Uzbekistan.

Annotations: This article examines some of the developmental features of the early medieval forms of life of the nomadic or semi-nomadic Turkic peoples who inhabited the Central Asian region since ancient times. The theoretical hypotheses put forward in this article are based on the work of a number of renowned scholars.

Keywords: nomadism, clan structure, Chinese chronicles, ritual rhythm, .

Некоторые особенности бытования номадов в Средней Азии

Ярматов Исамидин Тургунович, доктор филологических наук, профессор Ангренского университета, Узбекистан.

Аннотация: В данной статье рассматриваются некоторые особенности развития раннесредневековых форм жизни кочевых или полукочевых тюркских народов, населявших Центральноазиатский регион с древних времен. Выдвинутые в ней теоретические гипотезы основаны на работах ряда известных ученых мира.

Ключевые слова: номадизм, родовое устройство, сководство, Китайские хроники.

Фанда Ўрта Осиё неандерталлари милоддан аввалги биринчи минг йилликдан бошлаб термачилик ва овчилик билан шуғулланиб келганликлари аниқланган. Ўзгарувчан иқлим шароитлари палеолит даври одамларининг хўжалик юритиш укладига мунтазам таъсир кўрсатганлиги боис ўзлари ва хонакилаштирилаётган ҳайвонлар учун емишга бой бўлган тоғлар оралиғидаги водийларга вақтинчалик манзилгоҳларни қурганлар. Бинобарин, Қирғизистоннинг Баткент вилоятидаги Сель-Ункур, Обишир-5, Иссиққўл вилоятидаги Чўлпон ота, Талас вилоятидаги Дурдона, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги Тешиктош, Болаликтепа, Тошкент вилоятидаги Кўлбулоқ ва Обираҳмат масканлари асосан тоғ оралиғидаги ғорлардир. Ибтидоий ҳаётда тоғлар оралиғидаги ландшафт инсон танаси учун ёзда салқин ва қишда илиқ

\

бўлишидан ташқари, хилма хил семиз ҳайвонлар ва ёзда қуриб қолмайдиган сойлардаги балиқларга бой бўлган.

Ўрта Осиё туркийлари бошидан кечирган кўчманчилик (номадизм) қуйидаги учта йўналиш циклига эга бўлган. Биринчиси - тоғ ён бағирларидаги яйлов бўйлаб кўкламда баландга, кузда пастга (вертикал) силжиш. Иккинчиси - чўл ва даштда ўтлоқма-ўтлоқ (горизонтал) силжиш. Учинчиси эса радиал - сув манбаини айланиб, ундан узоқлашиб кетмай силжиш. Одатда, чорванинг майда мол (қўй ва эчки) ҳамда йилқичилик соҳалари тўлиқ кўчманчилик, қорамол тури эса ярим кўчманчиликка асосланган турмуш тарзини тақозо этган. Бунинг сабаби қалин қор ёққан қиш ойларида майда мол 10-12 сантиметр, йилқи эса 25 сантиметрдан 50 сантиметргача бўлган қалинликдаги қорни оёғи билан суриб ўтлаши, қорамол билан туя эса бундай қилолмаслиги билан изоҳланади (1.76.). Шу боисдан ярим кўчманчилар учун қишда қўлдан ем ва хашак ейдиган қорамол маъқул бўлган.

Бундай турмуш тарзида кўчиш масофалари қисқароқ, шунингдек, ижтимоий-маданий коммуникацияга қулай бўлган алоҳида қишки яйловлар танланган. Ибтидоий номадизмнинг бу турида сув манбалари яқинига хашакбоп экинлар экилган ва қиш учун хашак тайёрлаб қўйилган.. Ярим кўчманчилик билан шуғулланадиган аҳоли кўчма бошпана (ўтов) билан бирга доимий турар жой (қишлоқ) ҳам қурарди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг уруғчилик тузуми давридаги аҳолиси ҳали маҳаллий бир давлат таркибига кириб улгурмасидан туриб аввал Аҳамонийлар, кейин Александр Македонский (эр.ав. 329 йилда) ва Салавкийлар (эр. ав. 312 йилда), туркий тилда гапирувчи, ярим кўчманчи хунн ва юэжчилар (эр. ав.II асрдан) асорати остида бўлди, улар билан иқтисодий-маданий алоқага киришди.

Эмиль Хуршутнинг аниқлашича, қадимги Хитой хроникаларида VI-VII асрларда Ўрта Осиё ҳудудида ҳукмронлик қилган шахслар тўғрисида қуйидагича маълумот бериб ўтилади: «При династии Суй (581-618 гг. – Э.Х.) в первое лето провления Да-е (605 г. – Э.Х.) западные дулгасцы убили владетеля их и управления владениями его поручили Дэлэ Фучжи (Тянь-чжи – Э.Х.). В продолжение правлений Ву-дэ и Чжень-гуань (618-649 гг.- Э.Х.) несколько раз представляли местные произведения. В третье лето провления Хянь-кинь (658 г. – Э.Х.) в городе Ганьгэ учреждено правление Даваньской губернии и владетель Гань Тутунь поставлен правителем оной. В первое лето правления Кхай-юань (713 г. – Э.Х.) государь Мохэдо Тутунь за оказанные на войне услуги поставлен владетелем в Ши» (2.6.).

Мана шу даврдан бошлаб Хонбалиқ (Пекин)дан Рим шаҳрига қадар бўлган геополитик имкониятни қўлга киритган хунн қабилалари Евроосиё трансконтиненталига – Буюк Ипак йўлига асос солдилар. Унинг шарофати билан Или, Чу ва Мавороуннаҳр ҳудудларида иқтисодий юксалиш рўй бериб, деҳқончилик, майда ҳунармандчилик ва ибтидоий кончилик билан шуғулланувчи ўтроқлашган аҳоли манзиллари, кичик шаҳарчалар вужудга келди. Ўша даврларда бу ўлкаларни кезиб чиққан хитойлик сайёҳ ва тарихчи Сюан Цзян ёзади: «Их армия могущественна; она в большей части состоит из чжэ-гэ (чакиров). Природа людей чжэ-гэ свирепа и отважна. Они рассматривают смерть, как возвращение домой. Когда они атакуют, никакой враг не может противостоять им» (3.374).

Моддий неъматлар овчи ва чорвадор қабилалар эҳтиёжидан ортиқ бўлгани ҳолда қўшимча неъматларни тўплаш ҳеч кимни қизиқтирмаган. Овчи қабила аъзоларининг асосий вақти ов жараёни, анимистик, тотемистик ва фетишистик маросимларини ўтказиш, шунингдек, айрим тутқун ҳайвонларни қўлга ўргатиш учун сарфланар эди. Ибтидоий фаровонликни сақлаш, ҳайвонларни ортиқча ўлдирмасликнинг тотемистик ва анимистик эътиқодлар билан шартланган мезонлари барқарор бўлган. Чунончи, мустъер даври одамлари йўлбарсни ўлдирар эканлар,

унинг қорнини ёриб, яқинда ғойиб бўлган қабиладошларининг суякларини қидирганлар. Суяклар топилмаса, йўлбарслар галаси ҳужумидан хавфсираб, ўлдирилган йўлбарснинг арвоҳидан кечирим сўраганлар ва ҳақиқий айбдор йўлбарсни топиб ўлдириш учун бу йўлбарснинг арвоҳига қасам ичганлар. Шу тариқа Ч.Дарвин таърифлаган барча жониворларга хос «a permanent instinct» (ўзаро ёрдам инстинкти) инсоний ҳамкорлик (коллективизм) тусини олабошлаган. Натижада ҳудбин, ўзини сақлаш инстинкти чекланиб, ўзаро симпатия ва эътибор инстинкти кучайган. Зотан коллектив ҳужум ёки муҳофазани неандертал одамлар кашф этмаганлар, балки табиатнинг ўзидан, айтайлик, бўрилар тўдасидан олганлар. Агар овчилик машғулоти 15-20 нафар одамни бирлаштирган бўлса, ҳайвонларни қўлга ўргатиш орқали пайдо бўлаётган чорвачилик машғулоти даставвал юз-икки юз, кейинчалик эса бундан ҳам кўп одамларни бир қабилага жипслаштирди. Бу жараён қандай юз берди?

Маълумки, қадимги термачи ёки овчиларнинг омади ҳар доим келавермаган. Фасллар алмашиниши ёки ҳайвонлар миграцияси билан боғлиқ ҳолда баъзан бир ҳафта ёки бир ой емишсиз қолишга тўғри келган. Қабиладаги йўқотишлар одамларни тежамкор бўлишга, келажак ёмон кун учун ҳам емиш сақлаб юришга мажбур қилган. Жанговар ҳолатда ортиқча неъматларни манзилма-манзил кўтариб юришнинг ўзи бўлмайди. Мана шу эҳтиёж айрим ҳайвонларни хонакилаштиришни зарурат қилиб қўйди. «Хонакилаштириш» дейилганида ўргатилаётган ҳайвонни биронта хонага қамаб, боқиш тушунилмаслиги керак, албатта. Кўчманчи овчиларда бундай жойнинг ўзи бўлмаган. Улар қопқонга ёки яширин чоҳга тушган ҳайвонни (масалан, ёввойи от ёхуд қорамолни) дарахт пўстлоғидан эшиб тўқилган арқон билан танғиб, ювош ва итоаткор ҳолатга келгунича калтаклашган. Ҳайвон ҳар гал саркашлик қилганида, йўл-йўлакай бу ҳол такрорланаверган.

Ит, от ва қарамол сингари ҳайвонларни қўлга ўргатишдан кўзланган дастлабки мақсад зарурий нарсаларни уларга юклаш бўлганлиги шубҳасиздир. Шундай қилиб, бундан беш-олти минг йилча муқаддам, яъни ўрта тош асри (мезолит даврида) яшаган одамлар фаолиятида чорвачилик юзага келди. Бу ҳол ибтидоий кўчманчи турмуш тарзининг ўзгаришига олиб келди. Жумладан, ҳайвонларни боқиш, уларни қиш ойларида ҳам озуқа билан таъминлаш ташвиши пайдо бўлди. Натижада, яйлов, дарё, булоқ ва ҳоказоларга доимий эгалик учун курашиш, шахсий мулк ва ижтимоий тенгсизлик кучая борди. Яйлов ва сувли маконлар учун қабилалараро тўқнашув кўчманчи чорвадорларнинг жанговар кўникмаларини оширди. Улар айниқса от устида қиличбозлик ёки камон билан олис нишонни бехато уриш малакасини эгалладилар, фарзандларини ҳам жуда ёшликдан шунга тайёрладилар. Қурғоқчилик бўлиб, чорва моллари қирилиб кетган йилларда жанговар кўчманчи қабилаларнинг ўтроқ аҳоли устига отда бирдан бостириб келиб талончилик қилиш ҳоллари одатий тусга кирган. Ўрта Осиёдаги илк шаҳарларнинг албатта баланд деворлар билан қўрғонланганлиги, бизнингча, чет эл босқинчиларидан кўра кўпроқ кўчманчи отлиқлар босқинидан муҳофаза мақсади билан изоҳланса керак. С.Айнийнинг «Қуллар» романида туркман талончиларининг Бухоро қалъасидан дала ҳовлида ишлаш учун ташқарига чиққан кишиларни қул сифатида Эрон бозорларига олиб кетилиши жонли образлар орқали тасвирланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Т., 1999.
2. Хуршут Э. Ши-Чач-Ташкент. Т., 1992;
3. Гумилев Л.Н. Древные тюрки. М., 1967;

\